

"ТАСДИКЛАЙМАН"

Поп туман тиббиёт бирлашмаси  
бошлиғи Жакшыр З.Мирзаниёзова  
4-ноябрь 2022 йил

Поп туман тиббиёт бирлашмасига қарашли  
маъмурият биносини мукаммал таъмирлаш учун  
лойиха-смета хамда (экспертиза хулосаси)  
хужжатларини тайёрлаш бўйича

# ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

БУЮРТМАЧИ: Поп туман тиббиёт бирлашмаси

Поп тумани-2022

## 1.ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХЛИЛИЙ ҚИЙМАТИ

### 1.1. Товар ва хизматларининг характеристикаси

№	Бажариладиган хизматлар тури	Миқдори
1	Поп туман тиббиёт бирлашмасига қарашли маъмурият биносини мукаммал таъмирлаш учун лойиха-смета ҳамда (экспертиза хулосаси) хужжатларини тайёрлаш	1

1.2. Танлов киймати **36 000 000** (үттиз олти миллион) сўм. Ушбу қийматдан ортиқ, қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Махсулот буйича Техник топширик, танлов хужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

**Ушбу танлов яқунлари буйича ғолиб чиқсан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.**

1.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 30 календар кун.

1.5. Ишларни бошлаш муддати-аванс маблғи ўтказилган кундан бошлаб хисобланади.

### **2.ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ**

**2.1. Поп тумани тиббиёт бирлашмаси "(бундан кейин -«Буюртмачи» деб аталади) - танлов ташкилотчиси хисобланади.**

«Буюртмачи» манзили: Поп шахар Пахтакор кўчаси № 3-йй

2.2. Танлов "Буюртмачи" томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов "Буюртмачи" томонидан тузилган харид комиссияси томонидан конунда тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

### **3.ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ**

**3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 1 йил тажрибага эга бўлган барча юридик макомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.**

. 3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуидаги малакавий талаблар қўйилади:

танлов предмета қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахасисларнинг мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фуқоролик-муомала хуқуқий лаёқат ва ваколатлар; танлов обектига ўхшаш обектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги; - ўз кучлари билан илгари бажарилган иш хажмлари тўғрисидаги маълумотлар; танлов обектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган хажми (*50 фоиздан ком. бўлмаган холда*); Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (*хизматлар*)ни бажариш билан боғлик фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофик тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

#### **4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ**

4.1. Иштиркчилар ўз таклифларини электрон кўринишда ([etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz)) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштирилиши лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар «БҮЮРТМАЧИ» ва «Иштирокчи» ихтиёрига кўра ўзбек тили ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. Танлов хужжатларида куйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисм, «БҮЮРТМАЧИ» томонидан кўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак.

4.4. Куйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

- фақат битта таклиф бериши мумкин;
- тақдим этилаётган хужжатларнинг хақиқийлиги ва маълумотларнинг хаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;
- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш хукуқига эга.

#### **5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

5.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчилиқда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

5.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчилиқда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

5.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни хақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчилиқда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

#### **6. БОШҚА ШАРТЛАР**

6.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга хақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл кўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ун кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вактда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади.

6.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари коидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртномасига сўров юборишга хақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичida давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг коидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартираслиги керак.

"Тасдиклайман"  
Поп туман тиббиёт бирлашмаси  
бошлиғи *Жаныбай* З.Мирзаниёрова

4-ноябрь 2022 йил

# ТЕХНИК ТОПШИРИК

{техническое задание}

Поп туман тиббиёт бирлашмасига қарашли маъмурият  
биносини мукаммал таъмирлаш учун лойиха-смета  
хамда (экспертиза хулосаси) хужжатларини тайёрлаш  
хизмати.

БЮРТМАЧИ: Поп туман тиббиёт бирлашмаси

Поп тумани-2022

Поп туман тиббиёт бирлашмасига қарашли маъмурият биносини мукаммал таъмирлаш учун лойиха-смета ҳамда (экспертиза хулосаси) хужжатларини тайёrlаш бўйича

ТЕХНИК ТОПШИРИК

<b>№</b>	<b>Асосий талаблар (основный требования)</b>	<b>Асосий маълумот ва талаблар (основный информация и требования)</b>
1.	Бюртмачи (заказчик)	Поп туман тиббиёт бирлашмаси
2.	Тўлов шартлари (условия оплаты)	Тўлов томонлар томонидан шартнома имзоланган ва шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилигига рўйхатга олинганидан кейин 10 кун ичидага оширилади.
3.	Тўлов валютаси (валюта платежа)	Миллий валюта - сўм (сўм)
4.	Хизмат кўрсатиш шартлари „ (условия оказания услуг)	Техник топшириклар мижознинг манзилида амалга оширилиши лозим. (согласно техническому заданию, по адресу Заказчика)
5.	Етказиб бериш вақти (срок поставки)	2022 йил Ноябрь ойининг иккинчи ўн кунлиги
6.	Молиялаштириш манбай (источник финансирования)	Опенбюджкт
7.	Танлов шартлари (условия выбора)	Иловада кўрсатилган барча шартларнинг бажарилиши.